



# Ishonch

**Ишонч**  
 Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир.  
 Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси нашри

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



## Тошкентда теннис байрами якунланди

Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган кучли ракетка усталари иштирокидаги «Tashkent Challenger — 2010» аънавий халқаро теннис турнири бош совринни қўлга киритди.

Мусобақанинг финал баҳсида словакиялик Карл Бек ва люксембурглик Жилл Мюллер голиблик учун куч синашди. Хал қилувчи беллашувда рақибдан 6:7, 6:4, 7:5 ҳисобида устун келган словакиялик теннисчи «Tashkent Challenger — 2010» турнири бош совринни қўлга киритди.

Турнирнинг жуфтлик баҳсларида Буюк Британия вакиллари Росс Хатчинс ва Жэми Мюррей словакиялик Филипп Поласек ва Карл Бек жуфтлигини 2:6, 6:4, 10:8 ҳисобида мағлубиятга учратди.

**Суратда:** мусобақа голиблари (чапдан) словакиялик Карл Бек ва люксембурглик Жилл Мюллер.  
**Муҳаммад АМИН (ЎЗА)**  
 олган сурат

## Янги кун янгиликлари

Сирдарё туманининг «Синдоробод» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси худудида «Интер Милк» МЧЖ чорвачилик мажмуаси фаолиятини бошлади.

## Дадил одим

Корхонада Голландиядан келтирилган 475 бош наслдор қорамол парвариш қилинмоқда. Шундан 170 тасини соғин сийрлар ташкил этиб, ҳар бирдан 22-25 литрдан сут соғиб олинапти. Ҳадемай, бу ерда сутни қайта ишлаш йўлга қўйилади. Натижада, 10 турдаги сут маҳсулотлари тайёрланиб, хорижга экспорт қилинади. Келгуси йилда корхонада бурдоқчилик мажмуаси ҳам фойдаланишга топширилади.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**  
 «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Тошкент вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликни йўлга қўйиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтириш ҳисобига 18 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

## Тадбиркорлик ривожи

Шунингдек, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 268 та шохобча ташкил этилди. Ҳудудий дастур асосида 34,4 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция ўлаштирилиб, тўртта янги корхона ишга туширилди. Иқтисодий ночор 70 корхонанинг фаолияти қайта тикланди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 40 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди. Вилоятда шу йўсинда аҳолининг турмуш даражасини оширишга дахлдор кўплаб масалалар муваффақият билан ҳал этилмоқда.

Ўз мухбиримиз

Қаршидаги вилоят мусиқали драма театрида шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ташаббуси билан «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди.

## Иш ўринлари ярмаркаси

Унда 64 та корхона, ташкилот ва муассаса 940 та иш ўрни ва маҳсулотлари кўргазмаси билан қатнашди. Шу кун 244 кишига ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди. 24 нафар хунарманд касаначилик бўйича иш бошлади.

Йигит-қизлардан қирқ нафари «Хунарманд» уюшмаси вилоят бўлими, «Крисстал люкс» қурилиш ва таъмирлаш корхонаси билан ҳамкорликда нақошлик, каштачилик, зардўзлик, чинни маҳсулотларига қимматбаҳо металлдан ишлов бериш, гиламчилик каби йўналишлар бўйича тайёрлов курсларига қабул қилинди. 30 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

**Иззат ҲИҚМАТОВ,**  
 «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

## Анжуман

# Тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт омили

Президентимиз Ислом Каримовнинг 20 сентябр куни БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқи юртимиз ва дунё жамоатчилигида катта қизиқиш ва эътибор билан кутиб олинди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур нутқидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар пойтахтимизда бўлиб ўтган «Кўп миллатли Ўзбекистон: тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда атрофлича муҳокама этилди.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Республика байналмилал маданият маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Тошкент давлат шарқшунослик институти, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, миллий-маданият марказлари, хорижий дипломатик корпус ҳамда

халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши раиси С.Ғуломов, Республика байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларни жадал раванг топтириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик, оқсоқиллик ва барқарорликни таъминлашда миллатлараро ва динлараро тотувлик, аҳиллик, бағрикенглик тамойилларига қатъий амал қилинаётганини таъкидладилар.

Бугунги кунда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳаларда ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида миллати, дини, ижтимоий ҳолатидан қатъий назар барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, бунда аҳолини кучли, аниқ ва манзилли ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, тинч ва оқсоқил ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш,

инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида яратилган имконият ва шароитларнинг қадрига етиш, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, аҳиллик, бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш юртимиздаги жамоат ташкилотлари, миллий-маданият марказлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Анжуманда Президентимиз нутқида жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган уруш ва қарма-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар қашшоқлик, оналар ва болалар ўлими, инсониятнинг бўшақ муаммоларига қарши курашда жиддий тўсқа бўлаётгани жафоқаш афғон халқи мисолида кўрсатилгани, уни хал эътиш бўйича амалий тақлифлар илгари сурилганга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда «БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари амалда», «Миллатлараро тотувлик — тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили», «Орол денгизи қуриган ҳавзасининг яшил қалқони», «Минтақадаги тарихий-маданий жараёнларнинг муштараклиги» каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

**Назозат УСМОНОВА,**  
 ЎЗА мухбири

## Курултойдан курултойгача

# Маънавий камолот сари

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудир Асқарали СУЛТОНОВ билан суҳбат

— Асқарали Шокирович, маънавий жамиятнинг куч-қувват манбаидир. Касба уюшмалари фаолиятида ҳам маънавий-маърифий ишлар салмоқли ўрин эгаллайди. Утган даврда Федерация кенгаши бу борада қандай ишларни амалга оширди?

— Ушба ҳос сарҳисоб онлари кечаётган бугунги кунда босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, қилинган ишлардан қувониб, бажарилиши зарур бўлган юмушларни амалга ошириш чоралари кўрилоқда. 6 млн. дан зиёд аъзои биллаштирган Ўзбекистон касба уюшмалари ташкилотлари ҳисобот даврида «Инсонга наф келтириш — олий бaxт» шiori остида фаолият юритди. Меҳнатқашлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш баробарида улар онгида юксак маънавий фазилашларини камол топтириш, халқимизнинг бой мероси, урф-одатларини тарғиб қилиш, турли мафкуравий хуружлардан ҳимоялаш, касба уюшма аъзоларининг бўш вақтини мазмунли

ташкил этиш, жиёмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш орқали соғлом турмуш тарзини ҳаётга татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда касба уюшмалари тизимида 65 та маданият уйи, сарой ва клуб мавжуд. Уларда 604 та (291 таси болалар учун) тўғарак фаолият кўрсатмоқда. Ушбу масканларда меҳнатқашлар ва ёшларнинг бадиий ҳаваскорлик қобилиятини ўстириш, маънавий дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган кўплаб тадбирлар уюштирилди. Ҳисобот даврида Республика касба уюшмалари ва унга аъзо ташкилотлар томонидан ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивали, «Инсонга наф келтириш — олий бaxт», «Ҳамшира», «Йил ўқитувчиси», «Она ва бола», «Она юртим — муқаддас гўшам», «Энг яхши маданият муассасаси» каби тадбирларда 10 миллионга яқин ишчи-ҳодим ва ёшлар иштирок этди. (Давоми 2-бетда)

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига

Демократик тараққиёт йўлидан бораётган давлатларнинг мақсади фуқаролик жамияти қуришдир. Демократик тамойиллар ва тартиботларни мустаҳкамламай ва чуқурлаштирмай туриб, фуқаролик жамияти қуриш мумкин эмас. Зеро, фуқаролик жамиятига фақат демократлаштириш орқали бориш мумкин.

# Демократлаштириш жараёнлари ва фуқаролик жамияти шаклланишида касба уюшмаларининг роли

Фуқаролик жамияти институционал тузилмасининг негизи жамоат ташкилотларидан иборат бўлади. Жамоат ташкилотларининг ривожланиши демократлаштиришнинг чуқурлашуви учун энг муҳим шартлардан биридир. Чунки, жамоат ташкилотлари тармоғи кенг ёйилмаси, демократлаштиришнинг чуқурлашуви кийин кечди. Жаҳон таърибаси кўрсатишича, демократлаштириш жараёни амалга оширишда фаол иштирок этувчи ва бу жараёни энг самарали назорат қилувчи институт — жамоат ташкилотларидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, касба уюшмалари, энг кўп сонли жамоат ташкилоти сифатида, фуқаролик жамияти шаклланишига ва айни пайтда демократлаштиришга хизмат қиладиган муҳим ижтимоий тузилма ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига ўтгандан кейин фуқаролик жамияти сари илдам одимлар ташлаб бошлади. Фуқаролик жамияти қуриш мақсадида ўтказилаётган сиёсий ислохотларнинг асосий мақсадларидан бирига айланди. Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил январ ойида бўлиб ўтган кўша мажлисидаги маърузасида Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, демократик ислохотларнинг муҳим қисми булган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича ҳам кўп ишлар қилинди («Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил 28 январ). Мазкур маъруза номида ҳам айтилганидек, мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир.

Фуқаролик жамияти институтлари қай даражада кенг тарқалгани ва мустаҳкам ривожланганига қараб мамлакат ҳаётига демократик тамойиллар қанчалик чуқур татбиқ этилгани тўғрисида ҳулоса чиқариш мумкин. Фуқаролик жамияти негизини эса нодавлат ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари ташкил этади.

(Давоми 2-бетда)

## Тадорик

# Қиш эшик қоқмоқда

Донишманд халқимиз айтганидек, қиш тадоригига ёзда киришмасак, қаҳратонда жиддий муаммоларга дуч келишимиз ҳеч гапмас. Президентимизнинг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2010-2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам айнан шу мақсадни кўзда тутади. Ушбу қарор ижроси қандай бажарилаётганини билиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг бошқарма бошлиғи Олимжон Раҳимовни суҳбатга тортидик.

— Заминимизда куз фасли. Бу эса ҳадемай эшик қоқиб қиш қириб келишидан дарак. Бугунги кунда унга тайёрлик ишлари қандай олиб борилмоқда?

— Қиш фаолиятимизда жуда масъулиятли давр ҳисобланади. Иситиш тизимларининг созлиги, кўп қаватли уйлارнинг иссиқ, совуқ сув, газ, электр тармоқларининг бенуқсон ишланиши таъминлаш учун тинимсиз тегиштириш, таъмирлаш ишларини амалга оширишга тўғри келади. Шу боис бирлашмамиз тегишли соҳа ходимлари билан ҳамкорликда назорат-тегиштирув олиб бориб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Жумладан, пойтахтимиздаги 11 та туман бўйича 44 гуруҳ тузилиб, тай-

ёргарлик ишлари ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Натижада, кўп қаватли 161 та уй-жойларнинг томи мукамал ва бошқа уйланинг томиларини жорий таъмирлаш белгилаб олинди, бу юмушлар деярли якунига етказилди.

— Иссиқлик тармоқларидаги носозликлар қўлчи қўлнинг қоқ ўртасида панд бериши ҳеч кимга сир эмас. Бу кўпроқ тегишли куверларнинг эскириб, талабга жавоб бермайдиган ҳолатга келиб қолганлиги билан боғлиқ. Ушбу муаммолар ечими борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Қарс икки қўлдан чиқади. Ишимиздаги энг кўп мураккабликлар ҳам айнан мана шу жойда намоён бўлади.


(Давоми 2-бетда)

Курултойдан курултойгача

Маънавий камолот сари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Асқарали СУЛТОНОВ билан суҳбат

Тадорик



Андижон шаҳридаги «Эски шаҳар» электр тармоқлари корхонаси жамоаси томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида 16 трансформатор ва 30 километрдан зиёд электр узатиш тармоқлари таъмирланди. Суратда: корхона муҳаббидис Элмурод Султонов. Шухрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

Қиш эшик қокмоқга

(Боши 1-бетда) Қишда кўп қаватли уйлардаги иссиқлик меъёр даражасида бўлишни таъминлаш учун бирлашма «Тошиссиқликмаркази» ОАЖ, «Тошиссиқликкувати» ИЧБ, «Тошкент иссиқлик электр маркази» ОАЖ, «Тошкентшаҳарга» бошқармаси каби идоралар билан ҳамжиҳатликда иссиқликни тайёрлаш ва етказиб беришда фойдаланиладиган барча қозонхоналар ҳамда тармоқлар махсус гуруҳ иштирокида тўла текширувдан ўтказилди. Натيجида, иссиқлик тармоқларига қарашли 18 қозон мукамал, 420 та қозон жорий таъмирланди, 21 км. узунликдаги эскирган иссиқлик қувурларининг ўрнига янгилари ўтказилди. Махсус гуруҳ таркибидagi ҳокимият ва тегишли идоралардан сайланган вакиллар томонидан бу борада тезкор чора-тадбирлар кўрилиб, муаммолар тўла бартараф этилди. — Уй-жойларнинг ташқи кўриниши, атроф саришталиги борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз. — Жорий йилда уй-жойларни ва уларнинг атрофини ободонлаштиришга ҳар йилгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилди. Шаҳар бўйича кўп қаватли уйлар оралиғида 355 та болалар майдончаларини қуриш режалаштирилган. Амалда эса бу режа 121 фозизга бажарилди. Уйларнинг атрофида ноқонуний қурилган 3550 та турли иморат ва қурилма йўқ қилинди. 522 та кўп қаватли уйнинг лифти, 1447 та уйнинг йўлакдаги ёғоч эшиклари мустаҳкам металл эшиклар билан алмаштирилди. Бундан ташқари, уй атрофи ҳудудидagi ёриткичлар кўздан кечирилиб, носозлари ўрнига янгилари қўйилди. Таъмирта мўҳтож бўлган электр тақсимлағичлар эса талаб даражасида созилди. Аҳоли турар-жой мавзелиридаги 116790 кв.м. узунликдаги пиёдалар йўлаги ва йўллар жорий таъмирланди. Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

муҳим омилидир...

— Федерация кенгаши, унга аъзо ташкилотлар ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши фаолиятида меҳнатқашлар, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидаги 3 мингта яқин клубда 302 мингдан ортиқ меҳнатқаш ва ўсмир-ёшлар спорт билан шуғулланмоқда. Спорт секциялари ва соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланувчилар сони 630 минг кишини ташкил этади. Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида меҳнат жамоалари, ўқув юрларида ҳамда ишчилар ва талаба, ўқувчилар турар-жойларида оммавий спорт мусобақалари, спартакиада, спорт фестивали, оилавий мусобақа, турнирлар ўтказиб келинди. Хусусан, ҳисобот даврида Федерация кенгаши соврини учун миллий кураш бўйича Республика турнири, меҳнатқашлар ўртасида «Саломатлик», касаба уюшмалари тизимидаги БУСМ тарбияланувчилари ҳамда аёллар спартакиадалари, шунингдек, Маданият ва спорт ишлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Миллий Олимпия ҳамда Хотин-қизлар кўмиталари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар ўртасида «Европа футбол ҳафталиги», аёллар спартакиадаси, ногирон болалар ўртасида паралимпиада мусобақалари, «Шунқорлар» харбий спорт ўйинлари, «Чимён-Экстрим» фестивали ўтказилди. Касаба уюшма кўмиталари томонидан корхона ва ташкилотларда, олий ва ўрта-махсус ўқув юрларида «Алломиш», «Барқинчи» спорт мусобақаларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 2006 йилда ушбу тест синовларини 115,5 минг киши топширган бўлса; 2010 йилга келиб уларнинг сони 149,5 минг кишини ташкил этади. Бугунги кунда касаба уюшмалари тизимида 39 та, шу жумладан, 12 та Олимпия захираларини тайёрлаш бўйича Республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Уларда шуғулланувчилар сони 12 мингга яқин. Тарбияланувчиларга спортнинг 37 тури бўйича 500 нафардан ортиқ малакали мураббий тахсил бермоқда. Ўтган даврда касаба уюшмалари тизимида Олимпия захираларини тайёрлаш бўйича Тошкент шаҳрида болалар ва ўсмирлар спорт комплекс мактаби ташкил этилди. — Спортчиларимиз кўлга киритган ютуқлар ҳақида сўзлаб берсангиз. — БУСМ тарбияланувчилари орасидан Республика, Осиё ўйинлари иштирокчилари этиштиб чиқиши кунонари. Хозирда 200 нафардан зиёд касаба уюшма спортчиси Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси сифатида халқаро мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритмоқда. Ҳисобот даврида 5964 нафар биринчи разрядли спортчи, 1761 нафар спорт ус-

талигига номзод, 386 нафар спорт устаси, 63 нафар халқаро тоифадаги спортчи тайёрланди. 2006 йил Доха шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида 7 та олтин, 5 та кумуш, 2 та бронза медалини касаба уюшма спортчилари кўлга киритди. 2007 йил сентябр ойида Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида бўлиб ўтган Осиё биринчилигида эса касаба уюшма спортчиларидан 3 нафари байдарка ва каноэда эшак эшиш спорт тури бўйича 2 та олтин, 4 та кумуш, 6 та бронза медали соҳиби бўлишди. 2008 йил Хитойда (Пекин) ўтказилган XXIX ёзги Олимпия ўйинларида касаба уюшма спортчиларидан 17 нафари иштирок этди. Спортчиларимиздан Вадим Меньков байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича фахрли 4-ўринни эгаллаган бўлса, 3 нафар спортчимиз кучли ўнликдан жой олди. Охирги икки йил давомида Олимпия захираларини тайёрлаш Республика спорт мактаби тарбияланувчиларидан 56 нафари Жаҳон, Осиё биринчилигида 21 та олтин, 27 та кумуш ва 28 та бронза, жами 76 та медални кўлга киритди. Ўтган беш йил ичида касаба уюшма спортчиларидан 915 нафари халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 279 та олтин, 239 та кумуш, 221 та бронза медали соҳиби бўлди. 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида касаба уюшма спортчиларидан 84 нафари турли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 38 та олтин, 16 та кумуш, 21 та бронза медални кўлга киритди. Бугунги спортнинг байдарка ва каноэда эшак эшиш тури бўйича В.Меньков, Юнон-рим кураши бўйича Э.Ҳафизов, енгил атлетика бўйича Г.Хуббиева, А.Свечникова, С.Радилов, Б.Шокиржонов, джо-до бўйича М.Шарипов, Х.Набиев, велоспорт бўйича С.Лагутин, оғир атлетика бўйича М.Чашево, спорт гимнастикаси бўйича Л.Галиуллина каби спортчиларимиз билан фарҳангамиз. — Касаба уюшмалари фаолиятида меҳнатқашлар фарзандларининг саломатлигини мустаҳкамлаш муҳим йўналиш ҳисобланади. Ўтган даврда болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг иши қандай ташкил этилди? — Болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш, моддий техник базасини мустаҳкамлаш, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, оромгоҳларда маданий-маърифий, тарбиявий ишларни йўлга қўйиш масалалари ҳамма касаба уюшмалари назоратида бўлиб келди. Ҳисобот даврида барча турдаги оромгоҳларда меҳнатқашларнинг 1 млн. 222 мингдан зиёд фарзанди соғломлаштирилди. Умумий соғломлаштирилган болалардан 22 минг 482 нафари Оролбўйида яшовчи, 18 минг 466 нафари Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари, 2 минг 100 нафари Когон шаҳри болаларидан иборат. Улар Тошкент шаҳри ва Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Қашқадарё вилоятлари корхона, ташкилотларига қарашли оромгоҳларда беғул дам олдирилди. Кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оила фарзандларидан 243 мингга яқини имтиёзли равишда дам олдирилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида Қашка-

дарё, Фарғона, Тошкент вилоятларидаги оромгоҳларда 800 нафардан зиёд иқтидорли ёшлар учун ёзги ўқув оромгоҳи ташкил этилди. — Бугунги глобаллашув жараёнини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Касаба уюшмалари оммавий ахборот воситалари имкониятидан қандай фойдаланмоқда? — Ҳисобот даврида касаба уюшмаларининг фаолияти радио, телевидение ва матбуот нашрларида мунтазам ёритиб борилди. Шу ўринда амалга оширилаётган туб ислохотлар, уларда касаба уюшмаларининг иштирокини оммага етказиб беришда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг ўзига хос ўрин эгаллаб келганлигини таъкидлаш жоиз. Ҳисобот даврида газета саҳифаларида касаба уюшмаларининг барча йўналишдаги фаолияти ижобий ва танқидий рўҳдаги мақолалар орқали газетхонлар эътиборига хавола этилди. Ҳар бир йилнинг ўзига хос номлашни моҳиятидан келиб чиққан ҳолда газета саҳифаларида виллят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгаши фаолиятига бағишланган махсус саҳифаларни чоп этиш йўлга қўйилди. Ўтган даврда 241 та мурожаат юзасидан журналист текшируви ўтказилиб, уларнинг аксарияти бўйича газетада чиқишлар уштирилди. Таҳририят ходимларининг касаба уюшма аъзолари билан ўтказётган учрашув ва мулоқотлари газета мазмунини янада бойитишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳисобот даврида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этиб келинаётган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналига ҳаммуассис сифатида фаол иштирок этиб, журналда Федерация кенгаши, ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари, тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раҳбарларининг 20 дан зиёд тахлилий мақоласи нашр этилди. Касаба уюшмаларининг ҳисобот давридаги фаолият йўналишлари жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кўнатириш мақсадида Федерация кенгаши томонидан фотоплакат ва банерлар тўплами, кўча планшетлар, «Касаба уюшмалари ҳаёти» мавзюида буклетлар тайёрлаб, бошланғич таълим ва соғломлаштириш оромгоҳларига беғул тарқатилди. Шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш 10 дан зиёд DVD дисклари билан таъминланди. Ҳали олдимизга маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ишларини йўлга қўйиш, уни тақомиллаштириш, самарадорлигини ошириш, жамиятда хотин-қизларнинг маъқенини кўтариш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кўнатириш, болаларни ёз мавсуми даврида соғломлаштириш, дам олдиришни ташкил этиш борасида улкан вазифалар турганлигини таъкидлаш жоиз. Суҳбатдош: Амина ҚОДИРОВА

Саноат

Ўзбекистон-Россия «Қарширадиатор» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган радиаторларга талаб ёмон эмас. Навоий тоғ-қон металлургия комбинати, «Нефтягезология» марказий қон бошқармаси, «Тошшаҳаравтотранс» уюшмаси, машина-трактор парклари, фермер хўжалиқлари ва бошқа ташкилотлар эътибори учун 58 турдаги радиатор ишлаб чиқарилаётган.

Маҳсулот тури ортаёпти

— Қўшма корхонамиз маҳаллалилаштириш дастурига кирган ҳамда катор имтиёزلардан фойдаланганимиз, — деди ишлаб чиқариш масалалари бўйича директор Чоршани Сувонов. — Илгари радиаторларнинг бутлов қисмлари асосан Россиядан келтирилган. Эндиликда хориждан ускуналар сотиб олиниб, зарур эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқарганимиз. Рангги металлларни ҳам Оренбургдан олиб келардик. Энди эса Бекободдаги «Узметкомбинат»дан олаётимиз. Еркин Абдурахимов, Хасан Қазратқулов, Абдурахим Рахимов, Бунёд Хасанов каби мисгарлар ўз касбининг усталари ҳисобланади. Хасан Қазратқулов корхона касаба уюшма кўмитаси раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Ходимларга керакли шартно яратиш, меҳнат муқофазаси бўйича билимларини ошириш, махсус оқват ва кийим-кечак билан таъминлаш масалалари ҳал қилинган. Корхонада 40 нафар ходим бўлиб, ҳар бирининг тузилган кунда энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридида муқофот бериш йўлга қўйилган. Уртача иш ҳақи 400 минг сўмни ташкил этади. Ўтган йили қўшма корхона муассосилигида ички имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда Қарши шаҳрида «Автотрактор-радиатор» деб номланган янги завод иш бошлади. Қўшимча қирқта янги иш ўрни яратилди. Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

(Боши 1-бетда)

Ҳокимият тузилмаси таркибига кирмайдиган барча ташкилотлар нодавлат ташкилотлар дейилади. Улар қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро ҳокимияти, суд ҳокимияти таркибига кирмайди, лекин шу ҳокимият органлари фаолиятида ўз вакиллари орқали иштирок этиши мумкин. Масалан, Адвокатлар уюшмаси нодавлат ташкилот бўлиб, суд ҳокимияти таркибига кирмайди. Бирок бу уюшма аъзолари суд жараёнида бевосита иштирок этади. Адвокатлар иштирок этмайдиган суд жараёнлари кам учрайди. Сийёсий партиялар ҳам жамоат ташкилотлари ҳисобланади, лекин улар ўзларининг парламентдаги фракцияси орқали қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятида иштирок этади. Жамоат ташкилотлари — фуқароларнинг бевосита ташаббуси билан, ҳокимият органларининг аралашувисиз тузиладиган ва фаолият юритадиган ташкилотлардир. Ҳокимият органлари бошқарувининг моҳияти демократик ёки недемократик эканига қараб улар жамоат ташкилотлари фаолиятига қўмақ беради ёки тўсиқлик қилади. Жамоат ташкилотлари уюшмалар, бирлашмалар, иттифоқлар, марказлар, жамиятлар, жамғармалар, клублар каби турли шаклларда тузилади ва фаолият юритади. Бу ташкилотлар фуқароларнинг ҳўжалик, оила, ҳуқуқ, маданиятга дахлдор қизиқиш ва манфаатларини акс эттиради, ана шу қизиқишларни қониктириш ва манфаатларини рўйбга чиқариш учун тузилади. Жамоат ташкилотлари ўз аъзоларининг сони, фаоллиги ва

Демократлаштириш жараёнлари шаклланишида касаба

уюшганлик даражасига қараб жамиятда муайян маъқени эгаллайди. Бу ташкилотлар орасида шундайлар ҳам борки, улар жамият ҳаётининг турли жаҳдаларига жиддий таъсир ўтказиши ва алоҳида маъқега эга бўлади. Ана шундай жамоат ташкилотларидан бири касаба уюшмаларидир. Фарба ва Шарқда касаба уюшмаларининг нафақат ҳозирги кундаги фаолиятида, балки уларнинг вужудга келишида ҳам қатор ўзига хосликлар мавжуд. Фарба ва Шарқда касаба уюшмаларининг вужудга келишини қиёслаш касаба уюшмаларининг минтақавий ўзига хосликларини яққол кўрсатиб беради. Маълумки, дунёда қишлоқлар йириклашиб, хунармандчилик ривожланиши натижасида шаҳарлар пайдо бўла бошлаган. Ўзбекистон ҳудудидagi дастлабки шаҳарлар эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик бошларида вужудга келган. Уша даврдан сақланиб қолган ёзма ёдгорликлар қўлимизда бўлмаса ҳам, дастлабки хунармандчилик маҳаллалари шаҳарлар билан бир пайтда пайдо бўлган, дейиш мантиқийдир. Мамлакатимиз ҳудудидagi шаҳарларнинг гурираб ривожланиши IX-XII асрларга тўғри келади. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Марғилон сингари шаҳарларимиз нафақат

манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланган. Бундай мақсадга улар ўзаро келишган ҳолда махсулот нархини маълум даражада ушлаб туриш, хомашё нархини маълум даражадан оширмаслик, касбий янгиликлардан бир-бирларини ябардор қилиш, шогирдларга ҳамкорликда касб ўргатиш орқали эришишган. Фуқаролик жамияти куртаклари сифатида маҳаллалар ҳудуд ва ижтимоий соҳага оид масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланган. Булар жумласига ёрдамга мўҳтож шахслар ёки оилаларга ёрдам кўрсатиш, ўз ораларидан маҳалла етқачилари сайлаш, шаҳар миқсиддаги турли йиғинлар ва машвараатларга вакил юбориш, ҳаҳарлар улар фуқаролик жамияти билан улуғининг куртаклари эди десак, янглишмаймиз. Бир касб билан шуғулланувчиларнинг уюшмаси ва касбий масалалар билан шуғулланувчи ташкилот сифатида эса бу маҳалла касаба уюшмаларининг дастлабки кўриниши бўлган. Касбий уюшма сифатида бу маҳаллалар шу касб вакилларининг

**У билан битта автобусда ишга қатнаймиз. Йўловчилар оқимига ўзини уриб, транспортга қийналиб чиқаятганда, ошхонада тўк зинадан машаққат билан кўтарилаётганида, кўнглим алланечук оғриқ ҳис этади. Аслида, у ҳам биз каби йўловчи, фарқи — ноғирон.**

Бугун бир-бирдан серхашам иморатлар юртимиз кўрғига кўрк қўшмоқда. Архитектураси, дизайни кўзга кўнатиладиган биноларнинг барчасида ҳам жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳаракатланиши ҳисобга олинган деб бўлмайди.

Бинобарин, «Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрири) 9-моддасида «Аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш, турар-жой ҳудудларини шакллантириш, янги қурилиш, бинолар, иншоотлар ва уларнинг мажмуалари учун лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш, шунингдек, транспорт воситаларини, умумий фойдаланадиган алоқа ва ахборот воситаларини, кўрсатиб ўтилган объектларни уларга ноғиронлар кира олиши ва улардан ноғиронлар фойдалана олиши учун мослаштирилмасдан ишлаб чиқишга йўл қўйилмади» дея белгиланган.

Иншоот лойиҳалаштирилаётганда, ноғиронлар фойдаланиши учун мослаштирилганлигига жиддий эътибор бериши керак, — дейди Тошкент шаҳар ноғиронлар жамияти раиси Хасан Бурхонов. — Лекин айтиш пайтда айрим савдо марказлари, суд-ҳуқуқ тизимига қарашли биноларда, ўқув юртиларида бундай имкониятни учратиб қўйиб. Жамоат транспортига ҳам ноғиронлар бировнинг ёрдамисиз чиқиши учун шароит етарли эмас. Ахир, улар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, барча қатори имкониятдан фойдалана олиши зарур.

Чиндан ҳам бирон юмуш билан кўчага чиққан ноғироннинг манзилга етиб бориши, нафақат унинг ўзига, балки мавжуд шароитдан қай тарзда фойдалана олишига ҳам боғлиқ. Ун тўрт-йигирма кишига мўлжалланган йўналишдаги таксиларга ноғирон-

лик аравачасидагилар чиқа олишмайди. Ҳўш, уларнинг жамоат транспортидан фойдаланиши қай тарзда йўлга қўйилган? Бу борада «Тошшаҳаравтотранс» уюшмаси муҳандиси Ҳабибулла Исмаилов шундай дейди:

— Ҳозир кўпгина жамоат транспортини ўриндиқларига ноғирон ва ёш болалари йўловчилар

## Йўловчининг фарқи борми?



ўтириши учун махсус белги қўйилди. Бундан ташқари, ноғиронларнинг автобус ва бошқа жамоат транспортларига чиқиши учун аппаратлар ўрнатилган. Эътибор қилган бўлсангиз, Mercedes-Benz автобусларининг саломи кенг, зиналари йўқ. Бу барча йўловчилар учун қулайлик тўғрисида. Айтиш пайтда ноғиронлар жамоат транспортига бемалол чиқиши учун мослаштирилган бекатлар қурилмоқда.

Моламаларнинг ўрнатилганлиги яхши, аммо улар барча жамоат транспортини қамраб олганми?

— Бундай мослама бизнинг автосаройимиздаги автобусларга ўрнатилмаган, — дейди 28-йўналишда қатновчи автобус ҳайдовчиси. — Яъни, бундай ускуналар транспорт сотиб олинганда буюртма қилинмаган. Агар йўлда аравачали ноғирон учраса, уларга ўзимиз ёрдамлашшимизга тўғри келади.

Бундан ташқари, театр ва музей, санъат саройларига ҳам кира-чиқиш биров мушкул.

— Яқинда музейимизга бир

катта маблаг талаб этмайди. Таъкидлаш жоизки, ноғиронлар химоясига қаратилган хайри-ишлар ҳам қилинмоқда. Жумладан, «ACCESS» (ноғирон инсонларни тенг ҳаётий фаолият муҳитига кира олиш, иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фуқароликни ангашиш) лойиҳаси ташкилотчилари Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

— «ACCESS» БМТ Тараққиёт

дастури ҳамда Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида тасдиқланган қўшма лойиҳадир, — дейди лойиҳа муҳандиси Дилшод Аҳмедов. — Ҳозир махсус қўллана яратиб устида ишляпимиз. Унда тажриба олиб борилаётган шаҳарлардаги ноғиронлар фойдаланадиган барча объектлар рўйхатга олинми, сурати билан маълумотнома тайёрланмоқда. Аҳоли пунктларини лойиҳалаштириш ва қуришда таъин-ҳаракатланиш тизимида нуқсон бор кишилар қатновини енгиллаштириш воситалари ҳақида мутасадди ҳамда мутахассисларга кўрсатма, тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Аммо лойиҳа фаолияти билан шуғулланаётганлар сафида мана учундир ноғирон ходимларни умуман учратмадик. Кимча нима кераклигини унинг ўзини ҳеч қачон эсимас керак, бизнингча.

## Сизнинг ҳуқуқингиз

# Меҳнат роҳатга айлансин!



Жамият ва унинг келажагини меҳнатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугунги иқтисодий муносабатлар ходимдан малака ҳамда ижодий ёндашуви талаб этади. Мазкур соҳадаги қонунчилик қўндан-қўн такомиллашиб, инсон манфаатларини тўлароқ намоён этишга хизмат қилмоқда.

Давлат ва жамият тарихидан маълумки, ҳар қандай қонуннинг кучини ижро ифодалайди. Бунинг учун эса улардан боҳабар бўлиш лозим. Қуйида келтирилаётган савол-жавоблар ҳам ҳуқуқий билимингизни ошириб, фаолиятингизни тўғри ташкиллаштиришга хизмат қилади.

### Саволларга ҳуқуқшунос Д. Мадиев жавоб беради

**Меҳнат муносабатлари тегишли қонунлардан ташқари яна қандай норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади?**

Жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

**Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тартибга солинмаган масалалар қандай ҳал қилинади?**

Бундай масалалар тарафларнинг келишуви асосида, ўзаро келишилмаган ҳолда, меҳнат низо-ларини қўриб чиқиш учун белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**Меҳнат шартномасига ҳар қандай шартни киритиш мумкинми ва у юридик кучга эга бўлади-ми?**

Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳолини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштиридан шартлари ҳақиқий ҳисобланмайди.

**Оилавий нотинчлик туфайли меҳнат ҳуқуқини чеклаш мумкинми?**

Меҳнатнинг натижаларига алоқадор бўлмаган жиҳатларига қараб чеклашга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва бўлар камситиш ҳисобланади.

**Ишга кечикканлиги боис ходимдан дам олиш учун ишлаб беришни талаб қилиш мумкинми?**

Бу мажбурий меҳнат дейилади. Бирор жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан, меҳнат интизомини сақлаш воситаси тарихида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади.

**Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари чет эл корхоналарида қўлланиладими?**

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

**Қонун ҳужжатлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қонунлари ривож этилишини текшириш ва назорат қилишни кимлар амалга оширади? Прокуратура ҳам бунга ҳақлими?**

Махсус вакил қилинган давлат органлари ва уларнинг инспекциялари, касба уюшмалари текшириши ва назорат қилиши мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

**Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахсларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланиладими?**

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш бери-чи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон ҳудудида ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқароллиги бўлмаган шахсларга ҳам таътиқ этилади. Меҳнат кодексига чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари бўлиши мумкин, дейилган.

**Қонунда ходимнинг иш ҳақи олиш ҳуқуқи қандай қафолатланган?**

Ҳар бир ходим ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

**Касбақўм «мен иш бериувчининг ҳам манфаатини ҳимоя қиламан» дейди, шу тўғрисида?**

Ходимлар ва иш бериувчиларнинг манфаатларини битта вакиллик органи ифода этиши ва ҳимоя қилиши мумкин эмас.

**Иш бериувчининг вакиллик органи олдидagi мажбурияти нимадан иборат?**

Ходимлар манфаатига тааллуқли қарор қабул қилишдан олдин вакиллик органи билан маслаҳатлашиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда кўрсатилган ҳолларда эса, розилигини олиш, вакиллик органининг тақлифларини ўз вақтида қўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорлар ҳақида уларга ёзма равишда асосли жавоб бериш ва ҳоказо.

Давоми бор.

## Қарор ва ижро

# Қарздорликни камайтириш йўлида

**Ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиш қийин. Аммо орамизда уни исроф қилиш ёки ноқонуний фойдаланишга ўтиб олган кимсалар ҳам учраб туради. Бунга қарши курашиш, қарздорликнинг олдини олиш соҳа ходимлари олдидagi муҳим вазифалардан бири саналади.**

Вазирлар Маҳкамаси қарорларида электр энергиясидан самарали фойдаланиш, тўловларни вақтида амалга ошириш, қарздорликни бартараф этиш, янги электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш сингари вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Бувайда туман электр тармоқлари корхонаси 31 500 аҳоли ва 844 юридик мақомдаги мижозга хизмат кўрсатади. Қарздорликни камайтириш, ўз вақтида таъминотни амалга ошириш борасида тумандаги 11 та ҚФЙ ва 51 та маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлик шартномаси тузилган. Саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг 6 ойи давомида 490 млн. сўмдан зиёд қарздорлик бартараф этилди.

— Соҳадаги янгидан-янги изланишлар ҳам ўз самарасини бермоқда, — дейди корхона бош муҳандиси М.Ботиров. — Жумладан, электрон ҳисоблагичларни чегара нўқтасига олиб чиқиш, яъни кўчадаги симёғочларга ўрнатиш ўғирликнинг олдини олишда муҳим қадамдир. Корхонамиз томо-

нидан жорий йил бошидан буён 15 та МФЙда 5 мингдан зиёд электрон ҳисоблагичлар чегара нўқтасига ўрнатилди.

Туман нурчилари томонидан ўғирлик ҳолатлари ва мuddати ўтган қарздорликлар юзасидан 2010 йил бошидан буён 69 та ҳолат бўйича туман солиқ инспекциясига ва 5551 та иш юзасидан фуқаролик судларига тақдимнома киритилди.

Шунингдек, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари ҳам режа бўйича олиб боришмоқда. Корхонада ишловчи 112 нафар ходим меҳнат ва дам олиш шароитига эга. Касаба уюшма раиси Э.Абдуллаевнинг таъкидлашича, ходимлар ва уларнинг фарзандлари ёзги дам олиш мавсумида мароқли хордиқ чиқармоқда. Турли қисқа мuddатли жамоавий дам олишлар ходимларнинг ишчанлик кайфиятини оширишда муҳим омили бўлаётди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Пойтахтимиздаги «Авиасозлар», «Фарход» ва «Юнусов» бозорларида асал байрами савдо ярмаркаси давом этмоқда. «Тошбозортайёрлов» уюшмаси, Тошкент асарчилик уюшмаси ҳамда шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада Тошкент шаҳар асарчилик жамиятларининг аъзолари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Суратда: асалчи Илья Тимошенко. Отабек МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган сурат



# ва фуқаролик жамияти уюшмаларининг роли

ишчилар манфаатлари ўртасида ҳам тафовутлар бор. Бу тафовутларнинг келиб чиқиши сабаби шундаки, иш бериувчилар ёлланма ишчиларни кўпроқ ишлатиб ва уларга камроқ ҳақ тўлашдан, ёлланма ишчилар эса камроқ ишлаш ва кўпроқ ҳақ олишдан манфаатдор. Иш бериувчилар ва ёлланма ишчилар манфаатлари ўртасидаги мана шу зиддиятни турли ижтимоий-сиёсий ва фалсафий оқимлар турлича талқин қилган. Маркс ва Ленин таълимотида бу зиддият антогонистик зиддият, деб эълон қилинган. Антогонистик зиддиятларни ҳал қилишнинг йўли эса фақат битта — ижтимоий инқилоб, деб тўшутирилган. Тарихий тараққиёт тажрибаси ва социалистик лагер, деб аталган мамлакатлар қисмати бундай талқин ҳаётга мис эмаслигини кўрсатди.

Иш бериувчилар ва ёлланма ишчилар манфаатларини бир-бирига мослаштириш, келиштириш мумкин деган қоидага амал қилган Фарб мамлакатлари тажрибаси эса айнан мана шу йўл ижтимоий тараққиётнинг таъминлаши-ни намоён этди.

тадрижий ривожланишда бўлади. Ана шу тадрижий ўзгаришлар жараёнида шундай босқичлар бўлиши мумкинки, унда иш бериувчилар ва ёлланма ишчилар манфаатлари ўртасида муносабатлар антогонистик характер касб этади. Лекин бундан манфаатлар ўртасидаги антогонизм абадий давом этади деган хулоса чиқармаслик керак. Манфаатлар ўртасидаги муносабатларнинг хусусияти турли даврларда шу манфаатлар субъектларининг ҳолатларига мос тарзда турлича бўлиши мумкин. Иш бериувчиларнинг ҳам, ёлланма ишчиларнинг ҳам ҳолати, дунёқараш, максимал даражадаги турлича ўзгаришда. Шунга мос равишда уларнинг манфаатлари ҳам ўзгариб туради.

Марксистик терминологияга кўра, иш бериувчилар эксплуататор, ёлланма ишловчилар эса эксплуатация қилинувчилар ёки эзилувчилар, деб аталар эди. Социалистик инқилоб амалга оширилгандан, яъни эксплуататор синф тугатилгандан кейин ҳам мамлакатда иш бериувчилар ва ёлланма ишловчилар қола-верди. Фақат энди давлат иш

бериувчига айланди. Ёлланма ишчиларни бу жамиятда энди капиталистлар эмас, давлат эксплуатация қилар эди. Эксплуатация бевосита давлатнинг ўзи томонидан эмас, балки у тайинлаган амалдорлар томонидан амалга оширилди. Тафовут шунда эдики, аввалги ҳолатда ишлаб чиқаришда турлошадиган қўшимча қийматни ка-питалист ўзлаштирган бўлса, кейингисиде бу қийматни давлат ва қисман давлат томони-дан тайинланган амалдор ўзлаштириб берилади. Базан амалдорларнинг улуши давлат кўрган фойдадан ҳам ортиб кетар эди. Яна бир тафовут давлат корхоналарида бошқарув самарадорлиги хусусий корхоналардаги самарадорликдан жиддий паст эди.

Ижтимоий муносабатлар тартибга солишда Фарб давлатлари ва социалистик давлатлар ўртасидаги асосий тафовутлардан бири иш бериувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасида иштилофлар келиб чиққанда касба уюшмаларига турлича рол ажратилганида эди. Фарб мамлакатларида касба уюшмала-

ри бу жараёнда катта рол ўйнар эди ва ҳозир ҳам шундай. Социалистик мамлакатларда, жумладан, собиқ иттифокда касба уюшмалари зиммасидаги вазифани бажариши учун имкон берилмасди. Бундай иштилофларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш иш бериувчилар ва ишчилар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини тарғиб қилиш ва ўрнатишни тақозо этди. Собиқ иттифок раҳбарлари эса социалистик тузумдаги ижтимоий муносабатларда иштилофлар бўлмайди, деб ҳақиқатдан қўзи юшилар ва мавжуд муаммонинг мураккаблашу-виغا шароит яратишарди.

Меҳнат жамоаларининг аксариятида касба уюшма фаолиятининг ўз функцияларини бажариши учун йўл берилмаган. Барча ишлаб чиқариш воситалари ва бойликлар халқники, деб эълон қилинган бўлса ҳам, аслида корхонанинг ҳақиқий хўжайини унинг раҳбари, коммунистик партия ташкилотининг котиби эса сиёсий комиссар вазирасини бажарарди. Касаба уюшма етакчиси эса ҳам «хўжайин»нинг, ҳам комиссарнинг хоҳишига қараб иш тўтишга мажбур эди. Ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун амалда унинг ҳеч қандай имконияти йўқ эди. Ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўқда турсин, қўпична касба уюшма етакчиси жамоанинг манфаатига зид равишда «хўжайин» ва комиссарга ён босишга мажбур бўларди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб маъмурий-буйруқ-бозлик тизими тугатилгач, барча соҳаларда қонунийлик қарор

топти. Қонунийликнинг қарор топиши эса касба уюшмаларининг ўз вазифа ва функциялари билан шуғулланиши учун кенг имкон яратди. Касаба уюшмаларининг энг асосий вазифаси меҳнат тўғрисидаги қонунларга ривож этилишини назорат қилишдан иборат. Бу ҳақда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида шундай дейилади: «Касаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга ривож этилишини назорат қилиб боради».

Қонун устуворлиги бўлмаган мамлакатда демократлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқчадир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири қонун устуворлигидир. Қонун устуворлигининг амалда қарор топиши жамоат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмаларининг фаоллашуви ва шу орқали демократлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги ҳаракатларимиз самарадорлигини оширади.

Мурасар РАХИМОВА, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси

(«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг 2010 йил 3-сонидан олинди)



Эл дуосига сазовор

Техника асрини телевизор, видео, компютер, телефонсиз тасаввур қилиш қийин. Бироқ техника ҳам вақти билан носоз ҳолга тушиб қолиши мумкин. Айниқса, қундалик ҳамроҳимиз — телевизор кўрсатмай қолса, иложсиз устага мурожаат қиламиз. Шундай пайтда ҳамюртлари хизматига шай усталардан бири Анвар Турдалиевдир. Туманда уни танимаган одам топилмас керак. Сабоби, уста 45 йилдан буён шу соҳада самарали ишлаб келади. Кўплаб шогирдлари ҳам бугун эл хизматига камарбаста. Фарзандлари Дилшодбек ва Эркинжон ҳам ота изидан бориб, Бешариқ шаҳрида фаолият кўрсатмоқда. Уста яна бир икtidорини намойён қилиб, видео, фотоаппарат ва телефон тузатишни ҳам йўлга қўйди. Суратда: Уста Анвар Турдалиев. Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат. Бешариқ тумани

Ҳикоят

Қадим замонларда Бойлик, Ғам, Билим, Бахт, Манманлик ва Севги бир оролда яшашган экан. Бир кун оролнинг чўкаётгани ҳақида хабар тарқалибди. Ҳамма ўзига қайиқ ясаб, бу ерни тарк эта бошлабди. Фақатгина Севги бундан беҳабар қолибди. Орол деярли чўкиб бўлганида, Севги бошқалардан ёрдан сўрашга қарор қилибди. Биринчи бўлиб Севгининг ёнидан Бойлик қайиғида сузиб ўтибди. — Бойлик! Мени ўзинг билан олиб кета оласанми? — сўрабди Севги. — Кечирасан, Севги. Қайиғида кўп олтин, кумушларим бор. Сенга жой йўқ, — жавоб берибди Бойлик.

Севги билан вақт

Кейин Севгининг ёнидан Манманлик «сузиб» ўтибди. Севги Манманликдан ҳам илтимос қилибди. Лекин Манманлик: — Шалаббо бўлиб ётибсан-ку, қайиғимни ифлос қилишинг мумкин, — дебди. Севги Ғамдан ҳам кўмак сўрабди. Ғам эса тушкун аҳволда: — Азизам Севги, ўзим ғамга ботганман. Ўзимни кутқаришим керак, — дебди. Шу пайт Бахт ўзидан масрур ҳолда сузиб ўтибди, Севги қанча чақирмасин, ҳеч нарсани эшитмабди. Тўсатдан нотаниш овоз: — Кел, Севги, кел. Сени ўзим билан олиб кетаман, — дебди. Севги қайиққа сакраб чиқибди-ю, овоз эгасининг кимлигини сўрашни унутди. Куруқликда Севгини қолдирган Нотаниш сассиз ғойиб бўлибди. Ундан қанчалик қарздорлигини ҳис қилган Севги Билимдан «Менга ким ёрдан берди?» дея сўрабди. Шунда Билим: — У Вақт эди. Чунки фақат вақтгина Севгининг қадрига етади, фақат у Севгининг қадри эканлигини тушуна олади, — дебди. Инглиз тилидан Машхура ОЙМАТОВА таржимаси.

Шундайлар бор бўлсин!

Жонбўзсойда уста Жаббор бобони яхши ишлари билан кўп эслашади. Чунки у умрини олижаноб ишларга сарф этганлардан. Унинг болалиги қаҳатчилик йилларида тўғри келган. Айни кучга тўлган йигитлик даври эса машъум жангоҳларда ўтиб, неча бор ярадор бўлди. Насибаси узилмаган экан, кўксига орден-медаллар тақиб, она қишлоғига зафар билан қайтди.

Уста

Аммо уруш туфайли хўжалик ночор ҳолатга тушган, одамлар зўрға кун кўришарди. Аскар йигит турли юмушларни бажарди, уйлабиди рўзгор ташишини елкасига олди. Шу орада самарқандлик уста Очилнинг қишлоққа келиб арава ясаётгани йигитни қизиқтириб қўйди. Устага шогирд тушиб, бир неча йил дурадгорлик сир-синоатини кунт билан ўрганди, ниҳоят, оқ фотиҳа олди. Утган асрининг олтинчи йилларида Жонбўзсойда бошланган улкан қурилишда уста Жаббор дурадгорлар бригадасига бош бўлиб, юзлаб уй, шийпон, омбурихона ва кўприклар қурди. Халол меҳнати боис чор-атрофга танилди, обрў-эътибор топди. Уста Жаббор яхши чавандоз ҳам бўлиб, укаси Эшман Қурбон билан кўприкда басма-бас улоқ чопган. Оила, қариндош-уруғ, эл-улус орият, шаъни учун қай-қурайдиган, ўзини ўтга-чўққа урадиган қуюнчақ ва мард эканлигини кексалар ҳамон давраларда сўзлаб юришади. Орадан йиллар ўтиб, бобомиз нафақага чиқди, аммо бекор ўтиролмади. Уйда устахона очиб, фарзандларига хунарини ўргатмоқчи бўлди. Аксига олиб тўнғичлари қиз эди, ўғли Жовлибой эса арра-тешага эмас, китобга ўроқ чиқди, олийгоҳда ўқиб қурувчи-муҳандис бўлди. Кейингиси Фуломжон хунарнинг нозик сирларини ўрганди. Қонида борми, акасининг ортидан укалари Абдурашид ва Фанижон ҳам устахонада кунни кеч қиларди. Уста Жаббор саксондан ошиб оламдан ўтди, аммо эл-улус моҳир устани унутмади, қобил ўғиллари эса ота ишининг муносиб давомчилари бўлишди. Тўнғич ўғил Жовлибой узоқ йиллар турли қурилиш идораларида ишлади, турар-жой бинолари, мактаб-колледжлар қурди, ишбилармон ва билимдон қурувчи бўлиб танилди. Фуломжон эса ҳақиқий уста бўлиб етишди, бир неча йил қурувчилар бригадасини бошқарди, пишиқ-пухта ишлари боис эл назарига тушди. Учинчи ўғил Абдурашид жисмоний тарбия олийгоҳини тугатиб, қишлоқдаги 42-мактабда ёшларга сабоқ бериб келмоқда. Муаллимнинг шогирдлари бир неча бор волейбол ва футбол, «Кувноқ» клублари мусобақаларида фахрли ўринларни қўлга киритишган. Моҳир мураббий бир неча йиллардан бери мактаб касабга ушма кўмитаси раиси, илм даргоҳида бўладиган тадбирларнинг ташиқлотчиси-дир. Қолаверса, ота ишининг содиқ давомчиси-дир. — Замона зайли билан одамлар чиройли, ҳашаматли уй-жойлар қуришга орзумдан бўлиб бормоқда. Оғайнилар билан ҳар йили беш-унта уй ёпамиз, ҳали ҳеч ким ишимиздан норизо бўлгани йўқ, — дейди Абдурашид муаллим. Ҳа, Жонбўзсойда ота касбини давом эттириб, элдан олқиш олаётган ана шундай ака-укалар яшайди. Ўролбой ҚОБИЛ, Қамаш тумани

Орамиздаги одамлар

Жаббор ака ўн беш-йигирма йил туман маорифини бошқарган бўлса-да, уни раҳбар сифатида танийдиганлардан қурашли тўйларнинг бақовули эканлигини биладиганлар кўпдир аҳтимол. Қурашнинг беазаги полвон бўлса-да, бақовулнинг чечанлиги, одамларни озағига қарата билиши ҳам кам аҳамият касб этмайди. У нафақат суҳандон, балки қураш ҳадисини олган бўлиши — Қураш тушганини ўзингиз кўрдигизми? — сўрадим Юсуф акадан. — Йўқ, эшитдим. — Ёлғондир, Ҳақим ака бу яқинда Чоржўйга келмаган бўлиши керак. Барибир Юсуф акани ишонтириш осон кечмади. Кечкурун икковлашиб тўйга бордик. Бош тобоқни ёшгина йигит кўтарди. — Ўтган тўйда Ҳақим пол-

Жаббор домланинг қўшиғи

ҳам шарт. Акс ҳолда на даврани ўзига қаратади, на полвонларнинг ҳаракатини холис баҳолайди. Бақовуллик — Жаббор аканинг умр бўйи қуйлаб келаётган сеvimли «қўшиғи». — Не-не полвонларни кўрмадим, қулдирадигану қуйдирадиган воқеаларнинг гувоҳи бўлмадим, — дейди Жаббор ака. — Ушанда олийгоҳда ўқирдим, бинойидай қураш ҳам тушардим. Бир кун Туркменистоннинг Саёт туманида яшайдиган Юсуф аканиги йўлим тушиб қолди. У қишлоғимизнинг машҳур полвони — Хидир бободан қолган ёдгор, қачонлардир шу ерга кўчиб келишган. Қишлоқдан бирон киши Туркменистонга келиб, уйига кирмай ўтса, астойдил хафа бўларди. Тизза эғишга улгурмасимиздан Юсуф ака ҳасрат қилишга тушди: — Яқинда Ҳақим, Бобуш ва яна бир шериги билан Саётга келган экан, бизниқига кирмай кетибди. Узиям ҳар уччаласи қурашда ўйикланмиш. — Сен шунча олишдинг, Ҳақимни йиқитгани ёлғонлигига энди ишондим, — деди уйга қайтаётганимизда Юсуф ака. Кейинчалик билсам, ўзларини Ҳақим, Бобуш полвон деб таништирганлар бошқа экан. — Полвон учун энг муҳим фазилат нима? — сўрадим устоддан навбатдаги гурунгимиз чоғи.



Маънавий таҳдид

Ўқув қуроллари ундан фойдаланувчининг хулқи ҳақида етарлича тасаввур уйғотади. Хусусан, дафтар — талабанинг юзи. Ундаги ҳар бир сўз эзгуликка хизмат қилар экан, муқоваси ҳам бундан мустасно бўлмаслиги керак. Яқинда дугонасига маслаҳат бераётган 18-19 ёшлар атрофидаги қизнинг гапи қулоғимга чалиниб қолди:

«Қора доғ»ли муқова

— Бритни Спирсдан олгин, ўртоқ. — Менга Женифер Лопес ёқадими-да, — дея талаба қиз бештача дафтар харид қилди. Муқовада хоржиқ шоу-бизнес вакиллари «кийим» аталмиш мато парчаларини эгнига ёпиштирганча «сирли» боқиб туришарди. Эътиборни тортиш учун беҳаё ҳаракатлар қилиб тушган суратларини кўриб, уяласан киши. Ачинарлиси, бугун расгаларини айнан шу турдаги дафтарлар (ун икки варақчаларни айтмасан) тўлдириб турибди. Ёшлар ўта таъсирчан бўлишади. Талаба ёки ўқувчи дафтарни қўлига олганда, ундаги расмга кўзи тушади ва уларга кийинишу юриш-туришда тақдир қила бошлайди. Неҳа йиллик малакага эга устозларнинг буни оддий билиб, безътибор бўлишлари бизни ажаблантиради. Миллийлигимизни акс эттирувчи дафтарларнинг йўқлиги эса катта фожиа. Бундай «қора доғ»ли дафтарларни кўриб, нега биз шу юртда яшаб, чет эл манзараси-ю тарбиямизга зид суратларни кузатишимиз керак, деган ўйлар ўтади. Қолаверса, ҳали машҳурлик шохсупасига чиқмай туриб, муқоваларни забт этаётган «юлдузлар»га нима дейсиз? Муқоваларни миллий гуруримиз бўлган давлат раъмэлари, тарихий қаҳрамонларимиз, адабиёт ва санъат даргалари безаса, нур устига нур бўлар эди. Маъмура ЁКУБОВА, ЎзДЖТУ талабаси

Минг дардга даво

Беҳи тўрт минг йил муқаддам маданияштираилган. Ўзбекистондаги беҳизорларнинг асосий қисми Фарғона водийсида. Бу мева ниҳоятда шифобахш бўлиб, таркибида қанд, органик кислоталар, ошловчи моддалар, пектин, С дармондориси, эфир мойи, темир, мис, кальций тузларини сақлайди. Уруғида шиллик модда, гликозид, амигдалин, мой бўлгани туфайли талайгина хасталиқларга шифо. Буюк аллома Абу Али ибн Сино беҳидан тайёрланган дамба ва қайнатмани ич кетишини тўхтатувчи, иштаҳа очувчи, пешоб ҳайдовчи омил сифатида қўллаган. Айниқса, чўғга кўмилгани яхши ҳазм бўлади. Сувиға асал қўшиб тановвул этилса, сурункали жигар хасталигида даво. Беҳи терлашни тўхтатади, нафас аъзолари учун фойдали, чанқоқни босади, қусишга қарши наф беради. Шираси диққинафас (астма), қон тупиришда фойда қилади. Уруғидан олинган шиллик эритмаси ўпка ва нафас йўли хасталиқларида даво. Уруғи томоқ қирилишида яхши наф келтиради. Мабодо, кишиларнинг оғзи қуриб қолгудек бўлса (айниқса, узоқ нутқ сўзлаганда), беҳи уруғи унинг олдини олади. Шунинг учун суҳбатдан 30 дақиқа олдин 2-3 дона беҳи уруғини тил остига ташлаш даркор.

Уруғи гастроэнтеритда, колит (ичак шамоллаши)да, қорин бўшлиғи дам бўлганда, бронхитда ишлатилади. Халқ табобатида беҳи уруғлари билан узум шарбатининг қайнатмаси камқонликда, ичбуруғда, бавосил касаллигини даволашда тавсия қилинади. Уруғидан тайёрланган қайнатма кўз органида, қабзиятда даво сифатида қўлланилади. Уруғини қабзиятда сурғи сифатида қўллаш учун салқин жойда қуришти лозим. Сўнгра бир чой қошиқ беҳи уруғи олиб, устига 200 мл. қайноқ сув қўйилади. 25 мл.дан ичиб турилади. Беҳининг ичига асал ёки думба ёғи қўйиб, бугда пиширилгани шамоллаганда, йўталда шифо. Меваси камқонликда, бача-

дондан қон оқишида, сариқ касалида, қон қусишда, бедармонлик, меъда, буйрак касаллиқларини даволашда тавсия қилинади. Халқ табобатида беҳининг барғи, новдасининг пўстлоғи, ёш шохчалари қандли диабет ва қон босимни ошганда қўлланилади. Меваси асабга, баъзи тур бошогриқда хурсанд қилувчи таъсирга эга, юракка дармон берувчи омил ҳисобланади. Оғиздаги ноҳуш ҳидни йўқотади. Мевасининг юмшоқ қисми қотирувчи хусусиятга эга. Шу боисдан ҳам беҳини бугда пиширган ҳолда, мураббо кўринишида, асал билан истеъмол қилиш лозим. «Беҳини кўп истеъмол қилиш мумкинми?» деган савол туғилиши табиий. Ҳамма нарсаннинг меъёри бор. Беҳини кўп истеъмол қилиш ичти қотириши мумкин. Айниқса, эмизикли аёллар шуни ёдда сақлашлари лозимки, беҳидаги ошловчи моддалар боланинг ичтини қотиради. Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доринуюс

Isonga naf keltirish... Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi... Bosh muharrir: Abdusoliq Abdurazzoqov... Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV... Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti, Huquq va xalqaro hayot, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat... Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy... Nashr ko'rsatkichi: 133... Navbatchi muharrir: T. Shernayev... Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullayev... Buxoro - 99897 465 05 68; Buxoro + 99893 653 50 81; Jizzax + 99892 517 48 64; Navoiy + 99893 725 46 40; Samarqand + 99866 933 25 04; Surxondaryo + 99897 458 05 07; Farg'ona + 99891 679 32 79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75; Qashqadaryo + 99897 414 30 78